# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 1 (9.498) 2001 йил 3 январь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда


*Ҳеч шубҳасиз, янги кириб келаётган йилда халқимизнинг фаровонлигини ошириш, унинг тинч ва осуда ҳаётини асраш, ёрдамга муҳтож оилаларни давлат ҳимоясига олиш йўлида, тадбиркор ва ишбилармонлар учун, изланиб яшаётган ҳар қайси инсон учун имконият ва шарт-шароит яратиш, уларнинг йўлини очиб беришга, одамларнинг ўз меҳнати натижасидан кўпроқ баҳраманд бўлишини таъминлашга қаратилган ишларимиз янада кучаяди ва, иншоолло, ўз самарасини беради.*

**Президент
Ислом КАРИМОВнинг
Ўзбекистон халқига Янги йил табригидан.**

# АСРИМИЗНИНГ ҚАДАМИ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Азиз муштарийлар, бугун «Тошкент оқшоми»нинг XXI асрдаги илк сони қўлингизда!

Шуни айтиш керакки, нафақат газетамиз, балки сиз билан биз – бутун мамлакатимиз фуқаролари камдан-кам учрайдиган ноёб тарихий воқеалар шоҳиди бўлиб турибмиз. Яъни Янги – 2001 йилнинг кириб келиши билан Янги – XXI асрга, Янги – учинчи мингйилликка қадам қўйдик. Ҳеч муболағасиз, бугунги кунни қарши олганларнинг ҳар бири тарихий шахс дейишимиз мумкин. Зеро, бир пайтнинг ўзида янги йил, янги аср ва янги минг йиллик кириб келишининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

**«Асрлар ва минг йилликлар алмашадиган, инсоният янги даврга қадам қўядиган бундай ноёб ва тарихий лаҳзаларга гувоҳ бўлиш, – дея таъкидлайди Юртбошимизнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табригида, – барчамизга Оллоҳ таоло насиб этган улуғ инъом, катта бахтдир. Халқимиз таъбири билан айтганда, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор».**

Бу сўзлар замирида қанчалар чуқур маъно борлигини лоақал халқимизнинг яқин ўтмиш тарихига назар ташлаган ҳар бир киши тасаввур этиши қийин эмас. Ҳа, ўзбек халқи шу қутлуғ саналар – Янги аср ва Янги мингйилликка ҳаётида жуда катта ва туб ижобий ўзгаришлар билан етиб келди. Бу, энг аввало, асрлар бўйи орзу этиб келинган Мустақиллик — Озодликнинг қўлга киритилганлигидир. Кузатилган асрнинг сўнгги ўн йиллигини халқимиз озод, ҳур яратувчилик меҳнати билан, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш учун интилишда залворли натижалар билан ўтказганлиги, миллий равнақ ва тараққиёт йўлига чиқиб олганлигимиз энг буюк ютуқларимиз эканлиги бугун ҳаммага маълум.

**Албатта, бу ютуқларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Юртбошимиз Янги йил табригида таъкидлаганларидек, турли ижтимоий тўфонларни бошдан кечиришимизга тўғри келди. «Халқимиз мустамлакачилик зулми ва қарамлик жабрини тортди, мустабид тузум, камситиш, тазйиқ ва қатағон йилларини бошидан кечирди, озодлик ва истиқлол учун кураш йўлида қанча-қанча қурбонлар берди».**

**Минг шукрларки, буларнинг ҳаммаси ортда қолди. Бугун озод ўзбек халқи ўз тақдирини ўз қўлига олиб, буюк келажагини бунёд этмоқда.** Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ҳаётнинг барча соҳаларида бунёдкорлик, яратувчилик ижодий меҳнати шиддат билан давом этмоқда. Давримиз суръатлари шу қадар тез, жўшқинки, ўн йилликлар давомида қилинажак ишлар бир неча ойлар, йилларда амалга ошаяпти.

Бугунги Ўзбекистонимизнинг, Оллоҳ назари тушган табаррук диёримизнинг исталган гўшасига қараманг – янгиликлар, янгиланишларнинг гувоҳи бўласиз. Салобатли Тошкентимиз қиёфаси қисқа вақт ичида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганлигини тан олмай бўладими?! Хорижий давлат арбоблари-ю сайёҳлар, юртимизга тинимсиз келиб-кетаётган дипломатлару тадбиркорлар 8-9 йил эмас, балки бир-икки йил ичида рўй берган ўзгаришлардан ҳайратга тушмоқдалар.

Албатта, бугунги пурвиқор ўзгаришлар, қўлга киритилган ва киритаётган ғалабаларимиз ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Халқимизнинг сабот-матонати, олға интилишдаги собит қадамлиги, ёрқин ва буюк келажакни қуришдаги юксак масъулияти, боболар анъаналарига, азалий қадриятларимизга чексиз садоқати буларнинг барига ишончли кафолат ва буюк руҳлантирувчи қудрат бўлмоқда. Қисқа муддат ичида ўзлигимизни англаш, қадриятларимизни тиклаш ва бойитиш йўлида, халқ турмуш даражасини барқарорлаштириш, барбод бўлаёзган иқтисодиётни кўтариш, халқимизга муносиб турмуш тарзини таъминлаш йўлида салмоқли натижаларга эришилгани янада олға интилишимизга замин бўлмоқда, янги-янги довонларга руҳлантирмоқда.

Бир сўз билан айтганда, биз XXI асрга келажакка, халқимизнинг бунёдкорлик кучига қатъий ишонч билан кириб келаяпмиз. **Янги асримизнинг илк йили Оналар ва болалар йили деб аталишида ҳам ҳаётбахш рамзий маънони туйиш қийин эмас. Она ва бола – ҳаётимиз давомийлигининг, инсоният бахт-саодатининг асосигина эмас, миллат ва халқ равнақининг ишончли кафолати ҳамдир. Ҳар қандай жамиятнинг инсонпарварлиги, маънавият ва маданияти мезони унинг ана шу Она ва бола тақдирига муносабатига қараб ўлчанар экан. Бу борада юзимиз ёруғ дейишга ҳар қанча асослар бор.** Кетма-кет эълон қилинган Инсон манфаати йили, Оила йили, Аёллар йили, Соғлом авлод йили ва ниҳоят Оналар ва болалар йили – буларнинг ҳаммаси жамият гултожи бўлмиш аёллар, оналарга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат, ҳурмат ва улар мавқеини кўтариш йўлидаги қатъиятимиз далил-исботлари эмасми?! Албатта – шундай.

Шодлик ва қувонч, бир олам ғурур билан кутиб олган янги йилимиз пойтахтимиз аҳлига ҳам катта-катта эзгуликлар келтиради. **Ҳаётимиз янада сермазмун, жозибадор, шаҳримиз қиёфаси янада гўзал ва салобатли бўлади. Метро янги линияси биринчи навбатининг ишга тушиши, махсус улкан саноат мажмуининг бунёд этилиши, йирик санъат кошоналари қурилиши, янги ва замонавий кўприкларнинг юзага келиши пойтахтимиз чиройига-чирой қўшиши шубҳасиз.**

Энг муҳими, мамлакатимизда нимаики қилинмасин – ҳаммаси инсон учун, унинг бахт-саодати учун амалга оширилишидир. Президентимизнинг шу муносабат билан, ҳар қандай ислоҳот одамларга хизмат қилиши керак, деган пурҳикмат сўзлари ёдга келади. Шу жиҳатдан янги йилда пойтахтликларнинг, мамлакатимиз барча фуқароларининг янги-янги орзу-умидлари, режалари рўёбга чиқишига шубҳа йўқ. Бу йўлда астойдил интилиш ва ғайрат бўлса – бўлгани!

Янги йилни қандай кутиб олсангиз, у шундай ўтади, деган гап бор халқимизда. Бизнингча, Янги 2001 йилни, Янги аср ва Янги мингйилликни ҳаммамиз зўр кўтаринки кайфият, эртанги кунимизга ишонч билан кутиб олдик. Шу кайфият, шу кўтаринкилик йил бўйи ҳамроҳимиз бўлар экан, шубҳасиз, ушалмаган орзуларимиз ушалаверади, эришилмаган довонлар забт этилаверади.

**Яна бир бор Янги – 2001 йил, XXI аср ва учинчи мингйиллик муборак бўлсин, азиз пойтахтликлар! Ватанимиз гуллаб-яшнаши йўлида омад ва бахт ҳаммамизга йўлдош бўлаверсин!**

*Учинчи минг йилликнинг тўнғич чақалоқлари*

# УНГА ИСЛОМ ДЕБ ИСМ ҚЎЙИШДИ



**Янги аср, янги учинчи минг йилликнинг дастлабки дақиқалари кўп миллионли шаҳримиз учун қувончли кечди: бирданига олти нафар чақалоқ – тўрт ўғил ва икки қизалоқ дунёга келди. Фарзанд кўрган бахтли оналарни шаҳар ҳокимлиги, шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси вакиллари муборакбод этгани келишди. Оналарга шаҳар ҳокимлиги номидан ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди**

...Тиббиёт ҳамшираси Зуҳра Раҳимова 2001 йилнинг 00 соату 4-дақиқасида Собир Раҳимов туманидаги 3-акушерлик мажмуасида ўғил кўрди. Ундан кейин эса «Сувсоз» трестининг ходими Санобар Носирова Шаҳар перинатал марказида қизалоқлик бўлди. 71-мактабнинг ҳисобчиси Наргиза Болтахўжаевани шаҳар марказий касалхонасида оиласида қиз фарзанд туғилганлиги билан муборакбод этишди. Орадан беш дақиқа ўтгач Саодат Солиҳова оиласида қувончли воқеа юз берди – у ўғил фарзанд кўрди.

– Биз турмуш ўртоғимиз билан агар ўғил фарзанд дунёга келса унга Президентимизнинг исмларини қўйишни ният қилган эдик. Худо бизни ана шу ниятимизга етказди, – дейди Саодат. – Биз фарзандимизга Ислом деган исмни қўйдик.

Янги йилнинг дастлабки дақиқаларида уй бекаси Гулчеҳра Исломова, чинни заводининг рассоми Ризвонгул Аҳроровалар ҳам ўғилли бўлишди.

Фарзанд кўрган оналарнинг ҳаммаси қалбида олам-олам қувонч зоҳир эди.

– Юртимизда биз оналар ва фарзандларимизга бекиёс ғамхўрликлар кўрсатилаётганидан қалбларимиз фахр ва ифтихор, миннатдорчилик туйғуларига тўлмоқда, – дейди Зуҳра Раҳимова.

**(Ўз мухбиримиз).**

**СУРАТДА: Зуҳра Раҳимова чақалоғи ва шаҳар ҳокимлигидан туҳфа этилган совғалар билан.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.**

# БУНЁДКОРЛАРГА ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

## Тошкент шаҳрини қуриш ва қайта қуриш, автомобиль йўллари, шоҳ кўчалар ҳамда кўприклар барпо қилишда алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

**Ватанимиз пойтахти – Тошкент шаҳрини халқаро талаблар асосида қуриш ва қайта қуриш, ободонлаштиришга қўшган катта ҳиссалари, миллий ва замонавий меъморчилик анъаналарига мос келадиган кўп қаватли иншоотларни, бинокорлик мажмуаларини бунёд этиш борасида эришган ютуқлари, кўприклар, автомобиль йўллари ва шоҳ кўчаларни қисқа муддатда қуришнинг янги технологик усулларини ўзлаштириб амалиётга татбиқ этишдаги кўрсаткичлари ва кўп йиллик фидокорона меҳнатлари учун қуйидагиларга Фахрий унвонлар берилсин:**

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»

**Каримов Рихсибой** – «Тошйўлқурилиш» тресги бошқарувчиси

**Сманов Азимбой Тажибаевич** – Ихтисослашган «Автомагистрал» йўллар қуриш-таъмирлаш бирлашмаси кўприклардан фойдаланиш бўлими тракторчиси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи»

**Алексеев Алексей Иванович** – «Тошйўлқурилиштаъмирлаш» трестининг 4-бошқармаси бошлиғи

**Атабаев Хабибулла Абдуллаевич** – «Кўприкқурилиш» тресги бошқарувчиси ўринбосари

**Юнусов Рашит Расулович** – Ихтисослашган «Автомагистрал» автомобиль йўллари қуриш-таъмирлаш бирлашмаси раиси

**Қосимов Шавкат Маннапович** – Чилонзор тумани ҳокими

**Тошкент шаҳрини замонавий меъморчилик андозаларига таянган ҳолда қайта қуриш ва ободонлаштириш, янги йўллар ва кўприкларни жадаллик билан бунёд этишдаги фидокорона меҳнатлари, қурилиш муддатини қисқартириш ва сифатини ошириш соҳасида эришган ютуқлари, миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги ибратли фаолияти учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Махкамов Хусниддин Сагдиевич** – Шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бош директори

**Молоткова Галина Шамильевна** – «Шаҳарйўлқурилиштаъмирлаш» тресги асфальт ётқизувчилар бригадаси бошлиғи

**Рахматов Махмат Ахматович** – «Шаҳарйўлқурилиштаъмирлаш» тресги механизация бошқармаси бошлиғи

### «Дўстлик» ордени билан

**Абрамов Валентин Семёнович** – «Ўзлойиҳа» институти бўлим бошлиғи

**Личков Владимир Васильевич** – Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари котибияти мудири

**Муллаев Ромазан Орифович** – «Тошмуҳандисқурилиш» акциядорлик жамияти махсус бошқармаси электр пайвандловчиси

**Пшенников Геннадий Фёдорович** – «Тошметроқурилиш» трестининг 2-қурилиш-монтаж бошқармаси ер ости ишчиси

**Тен Владимир Васильевич** – «Шаҳарэлектртармоқларийўли» очиқ турдаги акциядорлик жамияти иш ташкил қилувчиси

### «Шуҳрат» медали билан

**Бабаянц Александр Владимирович** – «Технолог» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли «Инструмент-ТС» илмий-техник фирмаси раҳбари

**Кудабекова Фарида Турдиевна** – Тошкент шаҳар ҳокимлиги иқтисод ва статистика бош бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари

**Неметов Парсахон** – «Тошметроқурилиш» тресги 2-туннель отряди бош муҳандиси

**Приходько Виктор Алексеевич** – Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасининг ободонлаштириш иншоотларини қуриш бўйича дирекцияси бош муҳандиси

**Рябов Алексей Сергеевич** – «Монтажмахсусқурилиш» уюшмасининг «Ўзпўлатконструкция» очиқ акциядорлик жамияти «Пўлатқурилма» техник маркази лойиҳалар бош муҳандиси

**Сеитмуратов Марат** – Ихтисослашган йўллардан фойдаланиш бошқармаси асфальтчиси

**Тошхўжаев Ашрабхон Орипхонович** – Тошкент вилояти йўл ва кўприклардан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи

### Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи билан

**Абдусаттаров Алишер Акбарович** – «8-темир-бетон маҳсулотлари заводи» очиқ ҳиссадорлик жамияти бетон ишлаб чиқариш цехи моторчиси

**Асатуров Валерий Павлович** – «Тошкент бош режаси» илмий тадқиқот ва лойиҳалаш институти бош муҳандиси

**Журавлева Ираида Павловна** – «Тошкент бош режаси» илмий тадқиқот ва лойиҳалаш институти 6-бўлим лойиҳалар бош муҳандиси

**Каримбоев Муслим Мухсимович** – «Тошйўлқурилиш» тресги автогрейдерчиси

**Расулхаджаев Ахмет** – Бектемир тумани ҳокимининг ўринбосари

**Рахимбекова Ақида** – «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик концернига қарашли Республикадаги иншоотлар қурилишининг бирлашган дирекцияси бош ҳисобчиси

**Энс Виктор Павлович** – «Гипротранс» транспорт бўйича лойиҳа қидирув институти бош муҳандиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2000 йил 27 декабрь.

* * *

**Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрини қуриш ва қайта қуриш, автомобиль йўллари, шоҳ кўчалар ҳамда кўприклар барпо қилишда алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокимлигида тантанали маросим ўтказилди. Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов Ватаннинг юксак мукофотларига сазовор бўлганларга мукофотларни тантанали равишда топширди.**

Ватанимиз пойтахти – Тошкент шаҳрини халқаро талаблар асосида қуриш ва қайта қуриш, ободонлаштиришга қўшган катта ҳиссалари, миллий ва замонавий меъморчилик анъаналарига мос келадиган кўп қаватли иншоотларни, бинокорлик мажмуаларини бунёд этиш борасида эришган ютуқлари, кўприклар, автомобиль йўлларни ва шоҳ кўчаларни қисқа муддатда қуришнинг янги технологик усулларини ўзлаштириб, амалиётга тадбиқ этишдаги кўрсаткичлари ва кўп йиллик фидокорона меҳнатлари учун Ўзбекистон Республикасининг орденлари ва медаллари, Фахрий ёрлиқлари ҳамда фахрий унвонлари билан тақдирланганлар мукофотларни қабул қилиб олар эканлар юксак минбардан туриб, мамлакатимиз раҳбарияти номига ўзларининг миннатдорчилик қалб сўзларини изҳор этдилар.

– Президентимизга каттадан катта ташаккурлар айтаман, – деди «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби, «Шаҳарйўлқурилиштаъмирлаш» трестининг бригада етакчиси Г. Молоткова. – Ана шу мукофотни қабул қилиб олар эканман мен ва менинг барча ҳамкасб дўстларим зиммамизга юклатилган барча топшириқларни янги куч ва ғайрат билан бажаришда давом этамиз. Ахир сен бажарган иш давлат томонидан юксак қадрланганидан кейин ҳар қандай ишнинг ҳам оғирлигини сезмайсан-да. Биз ўзимизнинг севикли пойтахтимиз – Тошкент шаҳрининг янада гўзал ва мафтункор бўлиши йўлида барча саъй-ҳаракатларни қилаверамиз.

**(Ўз мухбиримиз).**







**СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ватанимизнинг юксак мукофотларини топшириш пайти.**

**Сергей Любчич олган суратлар.**

# XXI аср САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Янги йил ва Янги аср муносабати билан хорижий мамлакатларнинг ва дунёдаги кўплаб нуфузли халқаро ташкилотларнинг раҳбарларидан самимий қутловлар келиши давом этмоқда.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Ҳиллари Родҳэм Клинтондан унинг АҚШ сенатори этиб сайланганлиги муносабати билан унга юборилган табрик мактуби учун чуқур миннатдорчилик изҳор этилган мактуб келди.
- Янги асрнинг биринчи кунлариданоқ пойтахтимизнинг қоқ марказида яна бир ажойиб «Бизнес-марказ» фаолият кўрсата бошлади.
- Тошкент вилоятида бир-йўла иккита касб-ҳунар коллежи қуриб фойдаланишга топширилди.
- Самарқанддаги «Сам-Кочавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган замонавий микроавтобуслардан 40 таси қадимий ва навқирон шаҳарнинг тўртта йўналиши бўйлаб ҳаракатлана бошлади.
- Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида очилган «Табиат ва рассом» анъанавий кўргазмасида мамлакатимиз табиат гўзалликлари, табиат ва инсоннинг бирлиги мавзуларига бағишланган 250 дан ортиқ асарлар намойиш этилмоқда.
- Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида «Авесто»нинг 2700 йиллиги ва Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган семинар ўтказилди.
- Андижон вилоятида январь–февраль ойларида кинонинг икки ойлиги ўтказилади.

## ЖАҲОНДА

- 2001 йилнинг 1 январида, Гринвич вақти билан соат 00 да, курраи заминда учинчи минг йиллик бошланган бир пайтда тошкентлик 12 ёшлик мактаб ўқувчиси Анастасия Мельникова гулдурос мушакбозликлар остида Ер шарининг Жанубий Қутбида БМТнинг мовий байроғини кўтарди. Кўп миллатли Ўзбекистон фуқаролари – тошкентлик Максим Задоя ва Павел Дубовик Ўзбекистон байроғини кўтаришди. Ушбу тадбирда жаҳоннинг турли мамлакатларидан ўнлаб вакиллар қатнашди.
- Қирғизистон Президенти Асқар Акаев янги ҳукуматни тузиш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди. Янги ҳукуматда вазирликлар ва давлат қўмиталари миқдори уч баравар қисқартириладиган бўлди.
- **Кеча** Фаластин мухториятининг раҳбари Ёсир Арофат АҚШ Президенти Билл Клинтон билан музокаралар олиб бориш учун Вашингтонга жўнаб кетди.
- Янги йилдан бошлаб Украина бир кечаю кундузда 80 миллион кубометр ҳажмида Туркманистоннинг табиий газини ола бошлади.
- **Бугун** Прагада Миллий телекомпаниянинг янги директори тайинланишига қарши иш ташлаган тележурналистларнинг тарафдорлари уларни қўллаб-қувватлаб намойиш ўтказишни режалаштирганлар.
- Янги йилдан бошлаб олти ой мобайнида Швеция Европа Иттифоқига раислик қилади.
- АҚШ Президенти Билл Клинтон таклиф этаётган, Фаластин ҳамда Исроил ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал этишга қаратилган умумий келишув ғояси Фаластин озодлик ҳаракати томонидан рад этилди.
- БМТ Бош котиби Кофи Аннанга бир неча жамоат ташкилотлари мурожаат қилиб, дунё бўйича ўлим жазосини бекор қилишда фаоллик кўрсатишга чақирди. Бироқ, Бош котиб бу масала аввало ҳар бир мамлакатнинг ўзида ҳал этилиши лозимлигини билдирди.
- Баҳрайнда Форс кўрфазидаги араб давлатлари ҳамкорлиги Кенгашининг саммити бўлиб ўтди. Унда иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш ва мудофаа ҳамда хавфсизлик соҳасида шерикликни кучайтириш масалалари муҳокама этилди. Саммитда шунингдек, Яқин Шарқдаги вазият ва Ироқ билан Эрон ўртасидаги ўзаро муносабатлар муаммолари бўйича резолюция қабул қилинди.
- Югославия иқтисодиётига сармоя киритишни тўхтатиш юзасидан Япония ҳукумати 1998 йилда жорий этган тақиқ бекор қилинадиган бўлди.
- Эронда 7-8 январь кунлари «Форс кўрфази мақоми ва дунёвий ҳамкорлик» мавзуида халқаро анжуман ўтказилади. Унда 20 дан ортиқ мамлакатдан вакиллар иштирок этиши кутилмоқда.
- Хитойнинг Хэнан вилояти Лоян шаҳридаги йирик бинолардан бирида кучли ёнғин рўй бериши оқибатида 300 дан ортиқ одам нобуд бўлди.

*Анжуманлар*

# КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ – ДОЛЗАРБ МАСАЛА

**Замонавий раҳбар қандай бўлмоғи лозим, раҳбар кадрларни тайёрлашда нималарга аҳамият бериш керак? Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган семинарнинг мавзуси айнан шу масалаларга бағишланиб, унда шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари, туман ҳокимлари ва уларнинг биринчи ўринбосарлари иштирок этишди. Семинарни Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов олиб борди.**

Маълумки, Президент Ислом Каримов Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш зарурлиги, шу жумладан уларни янгилаш тизимини ҳам, бунда муайян лавозимга муносиб номзодлар орасидан энг муносибини танлаш йўлидан бориш кераклигини таъкидлаб, бунинг учун биринчи навбатда замонавий билимга эга, Ватанига, она заминга садоқатли ёшларга амалда кенг йўл очиб берилиши шартларини айтиб ўтганди.

Ушбу йўналишларни амалга ошириш ва кадрлар билан иш олиб боришни янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ташкилий-кадрлар хизмати мақомини ўзгартириш тўғрисида»ги 303-қарори қабул қилинганди. Унда жойларда ташкилий-кадрлар хизмати фаолиятини ташкил этиш масалалари бўшаштириб юборилганлиги сабабли эндиликда бу соҳани давлат сиёсати тамойилларини жорий этишга қодир бўлган тажрибали ва лаёқатли мутахассислар билан тўлдиришга асосий эътибор бериш кераклиги таъкидланганди.

Шаҳар ҳокимлигида ўтказилган семинарда ушбу қарорнинг ижросига алоҳида эътибор қаратилиб, уни ҳаётга тадбиқ этиш борасида шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан қилинган ишларни таҳлил қилган ҳолда келажак учун зарур чора-тадбирлар ҳамда аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Семинар иштирокчилари муҳокамага тавсия этилган кадрлар захирасининг намунавий тартиб ва низомларига қўшимча ва ўзгартиришлар ҳақида фикрлар билдиришди, айниқса бугунги кунда бу масалаларнинг самарали бўлиши учун шаҳар миқёсида кадрлар компьютер базасини яратиш, кадрлар малакасини ошириш доимий ўқув курслари ташкил қилиш, ҳудудий кадрлар мониторингини, яъни кузатиш услубини ривожлантириш ҳамда бу ишларни амалга оширишда расмиятчиликка йўл қўймасдан ошкоралик ва демократия муҳимлигини таъкидлаб ўтишди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.**

# ХАБАР

Шу йил 2 январга ўтар кечаси Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Исмоилов кўчаси, 28-уй, 27-хонадонда газдан фойдаланиш қоидаларига риоя этилмагани оқибатида шу хонадонда бўлган одамларнинг газдан заҳарланиш ҳолати рўй берган. Заҳарланган кишилар орасида вафот этганлар ва оғир аҳволда касалхонага ётқизилганлар бор.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан тузилган махсус комиссия мазкур ҳодисанинг сабабларини ўрганмоқда.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги.**

# 2001 — Оналар ва болалар йили



Бахт ёр бўлсин, болажоним. Равиль Альбеков олган сурат.

## ИБРАТГА САЗОВОР

**Феруза ФАЙЗИЕВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институтининг катта илмий ходими, тиббиёт фанлари номзоди:**

— Ҳаммамизга маълумки, Президентимиз ташаббуслари билан 2000 йил Соғлом авлод йили деб эълон қилинган эди. Шундан келиб чиқиб ҳукуматимизнинг махсус қарори асосида «Соғлом авлод» Давлат дастури қабул қилинди. Фақат бир йилга эмас, балки ўзак даврларга мўлжалланган бу стратегик дастурни амалга ошириш жараёнида эътибор қаратилиши зарур бўлган устивор йўналишлар ҳам белгиланди. Бунинг исботи 2001 йил янги минг йилликнинг биринчи йили Президентимиз томонидан Оналар ва болалар йили деб эълон қилиниши айниқса диққатга сазовор, қувончли воқеа бўлди.

Шунинг учун бирламчи вазифаларимиздан бири қизларимизни мактаб давридан бошлаб оилавий ҳаётга психологик, жисмоний ва тиббий жиҳатдан тайёрлашни йўлга қўйишдир. Тиббий тайёрлаш дегани — қизларимиз саломатлигини ўрганиб, уларда мавжуд бўлган хасталикларни аниқлаб, вақтида соғломлаштириш ва ўз соғлиқларининг қадрига етишини ўргатишдан иборат.

Мен гинеколог сифатида шуни айтмоқчиманки, қизларимиз табиатан рўй берадиган биологик жараёнларни билмасликлари, бу тўғрида умуман тушунчалари йўқлиги ёки бунга оилада тайёрланмаганликлари сабабли кўп нохуш воқеаларга дуч келишлари сир эмас. Табиийлик билан касалликни ажрата олмасликлари натижасида шифокорларга мурожаат қилмасликлари сабабли кўп касалликларни ўтказиб юборадилар. Олдини олиш ёки даволаш мумкин бўлган касалликларга бепарволик оқибатида қизларимизни майиб қилиб қўйишади, келажакда бефарзанд бўлиб қолиш ҳоллари рўй беради.

«Оналари соғ юртнинг фарзандлари соғлом ва бақувват бўлади», деб бежиз таъкидламаганлар Юртбошимиз. Шу мақсадда бизнинг институтда ҳам оналар саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, мактабларда, ўрта ва махсус ўқув муассасаларида қизлар ва ўғил болалар учун алоҳида «Саломатлик», «Оила», «Никоҳ» тўғрисида дарслар, суҳбатлар ўтказилмоқда. Шу билан бирга яқин қавм-қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг асоратлари, эрта ёшда никоҳ қуришнинг зарар ва оқибатлари тўғрисида, репродуктив саломатлик ва соғлом оилани ташкил этиш, шакллантириш тўғрисидаги маърузалар мутахассислар томонидан кенг ва очиқ ёритиб борилмоқда.

Оналаримиз саломатлиги энг муҳим вазифаларимиздандир. Шунинг учун Оналар ва болалар ўлимини камайтириш мақсадида ҳомиладор аёлларни туғруқдан 10-15 кун олдин туғруқхоналардаги туғруққа тайёрлаш бўлимига, шунингдек туғруқдан кейин саломатликларини тиклаб олишлари учун кенг имкониятлар берилган. Айниқса аёллардаги мавжуд сурункали касалликларни аниқлаб, даволанишлари учун реабилитация бўлимларидан сўнг уйларига қайтишлари учун шароитлар яратилган.

Болани ёшлигидан ўз соғлиғи тўғрисида қайғуришга ўргатсак, оилада соғлом турмуш тарзи моҳиятини, негизини тушуна билсак ва фарзандларга ўргатсак, шундагина биз орзу қилган соғлом авлод юзага келади. Фарзанд дунёга келдими, она сутини тўйиб-тўйиб эмсин, ҳеч қандай таом ёки шифокор бера олмайдиган ҳаётий озуқани, меҳрни, куч-қувватни бола она сутидан олади. Бунинг учун биз оналарга бўлган эътиборни, маданиятни, ҳурматни ўз ўрнига қўя олишимиз, оналарни авайлаб-асрашимиз лозим бўлади.

## ДОИМО СОҒ БЎЛИШСИН

**Миҳмон АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Педиатрия илмий-текшириш институти директорининг ўринбосари, доцент:**

— Кейинги йилларда Президентимизнинг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорларида Оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг кўпгина муаммоларини ҳал қилиш ўз аксини топди.

2000 йил «Соғлом авлод» Давлат дастурининг бажарилиши тўғрисидаги» Қарори ва унда кўрсатилган вазифаларни бажаришда институтимиз тадбирлар режасини тасдиқлаб, уларни босқичма-босқич амалга ошириб келмоқда. Йил давомида биз, боланинг аввало соғлом бўлиб туғилиши, ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб ўсиши учун асосий масъулият ота-она ва оилага тушишини тушунтира олдик.

Соғлом бола фақат соғлом онадан туғилишини, демак аёлларимиз, айниқса туғруқ ёшидаги аёллар ўз соғлиқлари устида қайғуришлари лозимлиги ҳақида ва болаларда касаллик аломатларини эрта пайқаш, тиббий малакасини ошириш мақсадида ўзбек тилида ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилди ва кўп нусхада чоп этилди.

Институтимиз туғруқхонасида ҳар бир туғилган чақалоқ она билан бирга бўлишига ва гўдакни туғилган заҳоти она сути билан эмизишга эришдик. Боланинг соғлом ўсишида она сутининг аҳамияти беқиёслигини ҳар бир онага тушунтиришга ҳаракат қилдик.

Ўрта Осиёда биринчи бўлиб клиникамиз «Болаларга дўстона муносабатдаги шифохона» халқаро сертификатини олишга муяссар бўлди.

Президентимиз томонидан 2001 йилнинг Оналар ва болалар йили деб эълон қилиниши биз шифокорларга юқори масъулият юклайди. Касалликларнинг олдини олиш, ташхис қилишни, даволаш ва бир йўла ҳам болани, ҳам онани соғломлаштиришнинг самарали йўлларини излаб топиш, амалга ошириш чораларини ишлаб чиқишдек олийжаноб вазифалар олдимизда турибди.

Янги йил, янги аср барча оилаларга тинчлик, хотиржамлик асри бўлсин. Фарзандларимиз, нури дийдаларимиз соғ-саломат дунёга келиб, ҳам ақлан, ҳам маънан ривожланиб, ўсиб-униб ота-онаси юзини ёруғ қилиб, ўқиб илмли, соғлом ва бақувват бўлиб вояга етиб юртимиз равнақига ҳисса қўшсинлар.

**Пўлат МЎМИН,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

## ОНА-Ю БОЛА — ГУЛ БИЛАН ЛОЛА

Дунё аҳлининг барча хатти-ҳаракати – ота-оналарнинг орзу умидлари фарзандларга қаратилгандай сезаман ҳамиша. Ёру дўстлар учрашганда «Бола-чақанг эсон-омонми?», деб сўрашида олам маъно бор. О, нақадар олижаноблик бу, болапарварлик бу. Ўзбеклардай болажон миллат қайда бор? Ҳа, бор, бу муҳтарам ўзбеклардир. Бу ўзбекона фазилатдир, наинки фазилат, ўзбекона зийнат бу аслида.

Муҳтарам Президентимиз ташаббуслари, меҳрибонликлари билан XXI асрнинг биринчи йилининг Оналар ва болалар йили, деб шарафланиши янгиликдир, замини яхшиликдир, яхшиликдир беқиёс.

Бу шарафлаш – бу ўзбекона доноликнинг чинакам меваси эмасми. Бу меҳрибонлик учун хизматга шай туришимиз шарафдир.

Энг аввало ҳазрати Оналарни эъзозлашимиз зарурдан зарур.

*Юрагидан янги*
*юрак кўчирган,*
*Оқ сутига меҳрин қўшиб*
*ичирган,*
*Гуноҳ қилса энг*
*биринчи кечирган –*
*Онадир ул, онадир ул,*
*онадир.*

Қаранг, она зоти қандай улуғ зот, жами донолар ни ҳам, ботирларни ҳам она тарбиялаганини билурмиз. Оналар ҳамиша болам деб яшайди, яшнайди, яйрайди.

Болаларга ёзган саҳна асарларимнинг бирини «Она болам дейди – бола онам дейди» деб атаганман. Унда учта жонзотнинг она ва боласи тасвирланганди. Овчи ўз ўғлига бургут боласини совға қилади-да, қафасга солади бургут боласини. Она бургут боласини озод қилолмай, жонжаҳди билан овчининг боласини осмонга кўтариб кетади, буни кўрган овчининг онаси дарҳол бургут боласини қафасдан чиқаришни буюради. Ўз боласини ҳовлида кўрган она бургут, овчи боласини аста ерга қўйиб, ўз полапонини кўтариб кетади...

Алқисса, она бола учун ҳамиша жонфидо. Уларни ажратиб бўлмайди, эт бирлан тирноқни ажратиб бўлмаганидай. Улар жондош-у қондош.

«Боланинг бахти она, онанинг бахти бола» дейишади донолар.

Она боласини бағрига босиб, ҳузур қилаётганидан ким завқланмайди дейсиз.

Фарзандларимизнинг севимли шоири мавлоно Қуддус оға бир куни мендан «Бола сўзи қайдан олинган, биласизми?» деб, боз устига ўзлари жавоб бериб, бола сўзи «бол» сўзидан, унга «а» қўшиб «бол-а, ширин-а дейилган». О, бу қандай улуғлаш, қантдай улуғлаш эмасми? Барчага баробар ширин эмасми, ҳа, шириндан ширин бола зоти. Болани ширин қилган онадир аслида.

*Бола деганда дарҳол,*
*Тилларга келадир бол.*
*Болалардир бахтимиз,*
*Юрагимиз — бағримиз.*
*Ўтмасин деймиз офтоб,*
*Бўлмасин деймиз бетоб.*
*Барча одам боласин,*
*Эшитмайлик ноласин.*
*Балолардан асрайлик,*
*Бахш айласак меҳримиз,*
*Давом этар умримиз.*

Биз барча ижоду санъат аҳли шу оналарни, шу болдай ширин болаларни шарафлашимиз имоний фарзимиз бўлмоғи жоиз. Кўнглимиздаги ниятимиз оналар соғу саломат, болаларимиз баркамол бўлсин.

Халқимизда баралла янграйдиган ажойиб ҳикмат бор, бу Она-ю бола – Гул билан лола.

*Эй, азиз оналар,*
*Эй, лазиз болалар,*
*Номингизни шарафлаб*
*келган Янги йилингиз*
*қутлуғ бўлсин, қутлуғ*
*бўлсин, қутлуғ бўлсин!*

*Тадбирлар*

## ҚУВНОҚЛАР ЯЙРАШДИ

**Жажжи болажонлар Янги йилда ўтказиладиган арча байрамини жуда соғиниб кутишади. Шу жиҳатдан олганда шаҳримизнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган 380-боғчада ўтказилган «Салом, Янги йил» байрам-эрталиги кичкинтойларга бир олам қувонч бағишлади.**

Чиройли безатилган арча атрофида ўтказилган бу байрамда болажонлар ўзларининг севимли Қорбобо, Қорқиз, Ялмоғиз кампир, айёр тулки, чаққон қуёнчалар каби эртак қаҳрамонлари билан учрашдилар. Ўзлари тайёрлаб келган она-Ватан ҳақидаги шеър, топишмоқ, инглиз тилида Янги йил табригини айтиб, қувноқ рақсга тушиб дилдан яйрашди.

«Узоқ ўрмон»дан ташриф буюрган Қорбобо барча кичкинтойларга ўзининг ажойиб совғаларини бериб уларнинг шодлигига шодлик қўшди.

— Бу байрам-эрталиги болажонлар хотирасида узоқ сақланиб қолиши шубҳасиз,— дейди боғча мудираси Закира Неъматжонова. — Бинобарин биз 2001 йил — Оналар ва болалар йилида ҳам шундай тадбирларни кўплаб ўтказишни режалаштирганмиз. Йил давомида боғчада ўтказиладиган бундай тадбирлар фарзандларимизнинг соғлом, қувноқ, ҳар томонлама баркамол бўлиб тарбияланишларига хизмат қилади.

**Шоира МУҲАМЕДОВА.**

*Ёзувчи ўйлари*

**Ҳаким НАЗИР, Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

## ДАДИЛ ҚАДАМЛАР БИЛАН

**Янги йилга, Янги асрга ҳам бир олам орзулар билан қадам қўйдик. Табиийки, шу ўринда, «Хўш, йигирманчи асрда қилинган ишлардан розимисиз», деган савол туғилади. Бу ғоят жиддий саволга бир оғиз сўз билан дангал жавоб айтиш қийин, албатта.**

Бинобарин, кечирилган асрда буюк тарихий ўзгаришлар бўлгани аён. Муҳтарам Президентимизнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табригида таъкидланганидек, мамлакатимиз феодал тузум қолоқлигидан қутилиб, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан салмоқли юксалишларга юз тутди. Инсонларнинг онги, маданий савияси, турмуш тарзи, дунёқарашларида бўлган силжишлар ҳам кўзга кўринарлидир. Шу билан бирга шўро тузумида халқимизнинг беҳисоб кўргуликларга ҳам дучор бўлганичи? Одамларни синфларга ажратиб, бир-бировига ёв қилиб қўйилгани, бойлар синфининг мулкини талон-тарож этиб, ўзларини ватандан бадарға этилгани, зиёли табақаларнинг қатағонга учратилгани, улкан ақл ва билим соҳибларидан бир талайи қириб ташлангани... Ҳа, агар биз кечирилган қайғули ҳодисаларни санайверсак, ҳозирги ёш авлодимиз олдида тарихни бир ёқлама ёритган бўлиб қоламиз. Ўша қийин даврларда ҳам халқимиз мушкулликларга бардош бериб, тўсқинликларни енга-енга, миллий қадриятларимизни иложи борича асраб қолишга уринди. Ўзбек миллатига хос бўлган ўзаро жипслик, тотувлик, меҳнатсеварлик, энг муҳими, бардошлилик ва чидамлилик кўп балолардан омон сақлаб қолди. Катта авлод кишилари ота-боболарнинг урф-одатлари, тарихий, маънавий бойликларини авайлаб, шулар билан ёш авлодни баҳраманд этиб турдилар. Айниқса халқимизнинг кўп асрлик орзуси амалга ошиб, мустақиллик юзага чиққач, озод ва эркин муносабатлар изга туша бошлагач, миллий ва умуминсоний қадриятларни эгаллаш борасидаги хайрли ишлар равнақ топа бошлайди. Одамларимизда ишбилармонлик, тадбиркорлик ва ташаббускорлик юзага чиқаверди. Юртимиз ободончиликка юз тутди. Маънавий-маданий тарбия соҳаларига алоҳида аҳамият берила бошлагани диққатга сазовордир. Айниқса ёш авлод тарбиясини умуммиллат ишининг нечоғлик муҳим бўғинига айлантирилганлиги қувончли воқеа бўлди. Президентимиз аср сўнгисини Соғлом авлод йили деб эълон этди. Навқирон авлоднинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий тарбияси соҳаларига муҳтарам Президентимизнинг ўзи шахсан бош-қош бўлиб келяпти. Ўғил-қизларнинг чуқур таълим олишию, иймон-эътиқодли бўлиб тарбия топишию, одоби-ахлоқигача бутун аҳволидан сергаклик ва жонкуярлик билан хабардор бўлиб турибди. Бу йўлда нимаики зарур бўлса барчасини муҳайё қиляпти. Юртбошимизнинг мақсад-муддаоси равшан: ҳозирги ёш авлод келажаги буюк Ватанимизнинг муносиб мутасаддилари бўлиб ўссинлар, биздан кўра билимлироқ, ақллироқ, доно ва бахтлироқ бўлиб етишсинлар!

Эл-юрт суянчиғи бўлган болажонларимизнинг билим олиши ва парваришида дурустгина натижалар қўлга киритилаётгани — Соғлом авлод йилидан кутилган мақсад рўёбга чиқа бошлаганини кўрсатмоқда. Қатор тарбия муассасаларини, мактабларни мисол келтириш мумкин. Шулардан Собир Раҳимов туманидаги Обид Содиқов номли 249-мактабда таълим сифатини кўтариш, халқаро тилларни ўрганиш, хориждаги етук мактаблар билан танишиб келиш тажрибаси қўлланди. Бир гуруҳ ўқувчиларнинг Америка, Англияга қилган сафарлари ўқув ва тарбия ишларида янгиликлар билан танишишга имкон берди. Илғор мактабларнинг тажрибаси кўрсатяптики, ўқув ота-оналар билан ҳамкорликда тарбия билан жипслаштириб олиб борилса, болаларнинг иқтидори, ишчанлик қобилиятлари, билим ва ҳунарга интилишлари ҳийла ўсаркан.

Соғлом авлод йили муносабати билан ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясига эътибор кучаяётганини биз адабиётга эътибор ортаётганида ҳам кўряпмиз. Давлат томонидан берилган мукофотлар рўйхатида қатор ёзувчилар номи, шу жумладан болалар адиблари (каминанинг ҳам) номлари эълон этилганлиги шундан далолат беради. Фарзандларимиз онги-зеҳни, қобилияти ўсувида асосий восита — китобхонлик эканлиги турган гап. Китоб мутолааси инсон заковатини бойитиб, хайрли ишлар билан безовчи олий неъматдир. Ёш авлод онги-шуурига китобга бўлган ихлосни чуқур сингдира билишдан кўра, савоблироқ иш йўқ. Шу савобли ишни устозлар, ота-оналар билан қўлни-қўлга берган ҳолда амалга оширсалар, айни муддао бўлади. «Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда, ҳамроҳинг бўлур у ғамли замонда», деб улуғ Абдураҳмон Жомий бекорга айтганмас. Шунингдек, китобни офтобга қиёс қилишади. Ростданам китоб инсон онги руҳини нурга тўлдирувчи, ақл-идрокини маъноларга бойитувчи бебаҳо хазина!

Шогирдларнинг китобхонликка берилишида сўзсиз устозларнинг шахсий ибратлари катта ўрин тутади. Шундай ўқитувчилар борки, улар китоб ўқишнинг фойдаси ҳақида сўзлаш билан чекланишмайди. Дарс соатларида, дарсдан ташқари вақтларда ҳам китобни қўлларидан қўйишмайди. Ўқиган китобларининг мазмунини мароқли қилиб айтиб беришади. Китобда ўқилганларни қуруқ ёдламасдан, уларнинг мағзини чақишга, мустақил муҳокама юрита олишга ўргатишади.

Афсуски, бундай ижобий мисоллар кам учрайди. Ҳозирги болалар ва ёшлар ўртасида китоб мутолааси яхши йўлга қўйилган деб айта олмаймиз. Баъзан болалар қимматли вақтларини бекорга дайдишларга сарфлайдилар, бебошларга қўшилиб, ёмон йўлларга кириб кетган вақтлари ҳам бўлдики, бу нарса айрим ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига бепарво қарашлари оқибатида бўлиб чиқади. Арзимас буюмларни харид этишга даста-даста пул сарф этувчи ота-оналар орасида китоб сотиб олишдан бир-икки юз сўмини аяйдиганлар учрайди. Болалар китоблари оз босилаётгани устига, матбуотда, радио-телевидениеда китоблар тарғиботи ҳам етарли деб бўлмайди. Мазкур ҳолларнинг бари ижодкорлардан,ноширлардан ва тегишли жамоат ташкилотларидан ижодий ташаббусни кучайтиришни талаб этаётгани маълум.

Биз фахрланса арзийдиган гўзал, салмоқдор болалар адабиётига, бақувват профессионал болалар ёзувчиларига эгамиз. Бу ижодий кучларни ҳозирги мустақиллик даври ҳаётини кенг, ўзига хос тарзда қизиқарли қилиб тасвирлаб берадиган чинакам болаларбоп, бадиий-ғоявий етук салмоқдор асарлар яратишга сафарбар этиш вақти етди.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида жуда муҳим фикрларни илгари сурди. Яъни Соғлом авлод йилида кўп хайрли ва савобли ишлар қилингани туфайли халқимиз дунёқарашида ёш авлодимизга нисбатан ижобий муносабат пайдо бўлганлигини айтди. Келажакда бу яхши ишларни давом эттириш билан чекланмай, кучайтириш лозимлигини уқтирди. XXI асрнинг биринчи йилини мамлакатимизда Оналар ва болалар йили деб эълон қилишни таклиф этди. Бинобарин биз хайрлашган йилда оналар ва болалар манфаатига даҳлдор нимаики ишлар қилинган бўлса, Янги йилда давом эттирибгина қолмай, янада кучайтириш лозимлигини уқтирди. Оналарни авайлаш билан бирга, фарзандларни ота-боболардан қолган гўзал қадриятлар ва замонавий илғор усулларга амал қилган ҳолда тарбиялаб, камол топтириш вазифаларини белгилаб берди.

Халқимиз Янги йилни, Янги асрни мана шундай хайрли ишлар, эзгу орзу-ниятлар билан кутиб олди.

Илоҳим XXI асрнинг биринчи йилида ҳам тинчлик-осойишталик, халқлар ўртасидаги тотувлик давом этсин. Янги ютуқлар, янги бахт-шодликлар, файзу барака, фаровонликлар келтирсин.

Жонажон Ўзбекистонимизнинг истиқлол равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатлари ривож топсин, маданият, илм-фан соҳасида дунёнинг етакчи давлатлари қаторидан ўрин олсин.

Ёшларимиз бахтиёр бўлиб, маънавий камолот борасида баланд мартабаларни қўлга киритсинлар.

Улуғ ниятларни дилга жо этиб, Оллоҳдан мадад сўраб олға босаётган ватандошларимизнинг қадамлари тобора дадиллашсин ва илдамлашсин.

*Биз ва жаҳон*

## МИСРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ЧОРБОҒИ

### икки халқ ўртасидаги дўстликка хизмат қилади

**Мустақилликка эришган серқуёш Ўзбекистонимизнинг жаҳоннинг манаман деган йирик давлатлари билан ҳар соҳада ўрнатаётган алоқалари бутун дунёда эътироф этилиб, республикамизга бўлган қизиқиш тобора кучайиб бораётганлигида дўстлик жамиятларининг ҳам ўрни ва мавқеи ўзига хос аҳамиятга эгадир.**

Шу ўринда Ўзбекистон билан Миср Араб Республикаси ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Маълумки, республикамизда «Ўзбекистон-Миср» дўстлик жамияти тузилиб, унга Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг ректори, академик Неъматулло Иброҳимов раҳбарлик қилаётгани, бу жамиятнинг икки мамлакат, икки қардош халқлар ўртасидаги азалий дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган қатор хайрли ишлари чиндан ҳам мақтовга лойиқдир.

Қувонарли жойи шундаки, Ўзбекистон билан ўзаро алоқаларни кун сайин ривожлантиришга интилаётган мисрлик биродарларимиз ҳам «Миср — Ўзбекистон» дўстлик жамиятини тузиб, унга раҳбарлик қилиш масъулиятини Қоҳира Давлат университетининг ректори, доктор Нагиб Ал-Ҳилолий зиммасига юклаганлар. Зеро, бу университетнинг иқтисод ва сиёсий билимлар факультети қошида «Осиё тадқиқотлари маркази» очилиб, бир неча йилдан бери шу минтақа мамлакатлари, жумладан Ўзбекистон ҳақида жиддий илмий изланишлар олиб бормоқда.

Янги йил, Янги аср, учинчи минг йиллик арафасида «Миср — Ўзбекистон» дўстлик жамияти Ўзбекистон ихлосмандлари учун мароқли учрашув уюштириб, унга жамиятнинг жойлардаги фаоллари, Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонаси ходимларини таклиф этди. Тўкин дастурхон атрофида яна икки юрт ўртасидаги алоқалар кўламини кенгайтириш, ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш ҳақида сўз кетди.

«Миср — Ўзбекистон» дўстлик жамиятининг раиси, доктор Нагиб Ал-Ҳилолий Миср ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро алоқалар ўтмиши ва ҳозири, бундай ўзаро манфаатли алоқаларнинг ҳар икки томон учун аҳамияти ҳақида тўхталди.

Кечада сўз олган «Осиё тадқиқотлар маркази» раҳбари, фан доктори Муҳаммад Ас-Саййид Ас-Салим марказда мустақил Ўзбекистон ҳақида олиб борилаётган изланишлар якуни билан ҳозир бўлганларни таништирди. У мисрлик ва ўзбекистонлик олимлар ҳамкорлигида Мисрда нашр этилган «Ўзбекистон давлати ва Президенти» китобидан сўнг, «Миср ва МДҲ» рисоласи яратилгани, араб ва рус тилларида чоп этилган бу китобда бутун бир фасл Ўзбекистонга бағишлангани, Қоҳира университети битирувчилари орасида Ўзбекистонга оид магистрлик рисолалари ёзиш ҳам йўлга қўйилгани, илмий тадқиқотчи Абир Ясийн хонимнинг битирув иши шулар жумласидан эканлиги, «Осиё тадқиқотлари маркази»нинг олтинчи йиллик илмий анжуманига тақдим этиш учун «Ўзбекистон ва глобаллашув» мавзусида тўлақонли тадқиқот якунлангани, доктор Абдулазиз Шодий Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Глобаллашув», «Маданиятлар мубоҳасаси», «Ўзбекистон — Миср алоқалари» ҳақида қатор маърузалар ўқиб қайтгани, шу йил ёз ойларида «Миср — Ўзбекистон» жамияти фаолларининг Тошкентга сафар тараддуди кўрилаётгани ҳақида гап кетди.

Энг эътиборли томони жамият фаоллари «Миср — Ўзбекистон» дўстлик жамиятининг доимий қароргоҳини Ўзбекистоннинг энг яқин дўсти ва ихлосманди, фан доктори Абдулло Саъд тортиқ қилган «Сайёҳлар Самарқанди» номли чорбоққа кўчиришга қарор қилдилар.

Шу пайтгача Мисрда ўз вақтида ҳукмронлик қилган, отаси асли бухоролик бўлган Тулун ибн Аҳмад масжиди, тарихи Мисрда мамлуклар ҳукмронлигига бориб тақаладиган Азбак ва Азбакия майдони сингари юртимиз билан боғлиқ жойлар бор бўлган бўлса, энди улар қаторига «Сайёҳлар Самарқанди» чорбоғи ҳам қўшилгани шак-шубҳасиз кишини қувонтиради.

**Хондамир СОЛИҲОВ.**

